

17-мақсад. Барқарор ривожланиши мақсадларида Глобал шериклик доирасида амалга ошириш воситаларини мустаҳкамлаш ва ишларни фаоллаштириши.

Ички ресурсларнинг чекланганлиги ва мамлакатнинг ташки қарз юки кўрсаткичининг нисбатан пастлиги шароитида йиллар давомида йигилган “инвестицион чанқоқлик”, шунингдек, долзарб иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали иқтисодиётдаги номутаносибликларни бартараф этиш зарурияти ташки қарзни ошириш имкониятидан фойдаланишга туртки бўлди.

Бу ўз навбатида, тижорат банкларининг хорижий кредит линияларини жалб қилиш фаоллигининг ошишига олиб келди. Натижада, иқтисодиётдаги кредит қўйилмалари қолдиги 50,9 фоизга ошиб 208 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда миллий валютадаги кредитлар қолдиги 48,7 фоизга (шу жумладан, аҳоли учун кредитлар 63,5 фоизга), хорижий валютадаги кредитлар қолдиги 53,8 фоизга ошди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ташки иқтисодий операциялар ҳажми ўртacha 1,2 бараварга ўсган ҳолда, 2019 йил якуни бўйича тўлов балансининг жорий операциялар ҳисобрақамидаги дефицит 2018 йилга нисбатан 0,8 млрд. долларга пасайиб, 2,8 млрд. долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Импортнинг сезиларли қисми банкларнинг хорижий валютадаги кредитлари (6,2 млрд. долл.) ҳисобидан молиялаштирилгани инобатга олинса, жорий операциялар ҳисобрақамидаги дефицитнинг вужудга келиши валюта бозори ва алмашув курсига жиддий босим ўтказмади.

Олтин валюта захиралари “нейтраллиги”ни таъминлаш ёндашувининг татбиқ этилиши уларнинг ўсиш динамикасини сақлаб қолди. Мазкур захиралар ҳажми йил бошига нисбатан 2,2 млрд. долларга ошиб, 2019 йил якунида 28,6 млрд. долларни ташкил қилди.

2019 йилда ички валюта бозорида ялпи талаб ҳажми 37 фоизга ўсиб, 15,5 млрд. долларни, таклиф ҳажми эса 44 фоизга ўсиб, 11,7 млрд. долларни ташкил этди.

Монетар олтинни сотиб олиш натижасида вужудга келган 36,6 трлн. сўмлик қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш мақсадида Марказий банк томонидан 33,6 трлн. сум эквиваленти миқдорида валюта маблағлари ички валюта бозорида сотилди.


Манба: <http://www.cbu.uz/uzc/press-tsentr/novosti/2020/01/182896/>

2018 йилда ташки қарзниңг 21 фоизи транспорт ва транспорт инфратузилмасига, 20,1 фоизи энергетика тармоғига, 14,2 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғига, 8,7 фоизи қишлоқ жойларида уй-жой қуриш, 6,1 фоизи коммунал хизматлар соҳасига, 5,7 фоизи таълим ва соғлиқни сақлаш, 9,7 фоизи иқтисодиётни қўллаб қувватлашга, 15,1 фоизи эса бошқа тармоқларга тўғри келмоқда.

2019 йил феврал ойида Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта 2 та транш орқали умумий қиймати 1 млрд. долларлик евробондлар жойлаштириди. Бу ҳам ўз навбатида инвесторларни ишончини оширишга қаратилган муҳим қадамлардан бўлди.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг харид қобилияти паритети бўйича ЯИМ хажми 2010 йилдаги 118,6 млрд. АҚШ долларидан 2018 йил 231,4 млрд. АҚШ долларига етди.

Харид қобилияти паритети бўйича ЯИМ хажми, млрд. АҚШ доллари



Ушбу кўрсаткичнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган қиймати эса 2010 йилдаги 4 154 АҚШ долларидан 2018 йилда 7 020 АҚШ долларигача кўтарилди.

Харид қобилияти паритети бўйича ЯИМ хажмининг аҳоли жон бошига қиймати, АҚШ доллари

